



Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2025 йилнинг 29 декабр куни ўтказилган йиғилишининг 06-сонли
БАЁНИ

Раислик қилди: Ўзбекистон Маркетинг уюшмаси бошқарув раис **Диёр Мирзаахмедов**

Қатнашдилар: Жамоатчилик кенгаши аъзолари: Д.Мирзаахмедов, Ш.Шарахметов, Ш.Шарахметов, Д.Мирзаев, Р.Джураев, Ҳ.Раджабов, З.Вахидов, О.Насиров, Г.Бабаджонова, М.Аскарова, Р.Назаров, Ш.Латипов, О.Усмонов.

Таклиф этилди: Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси **Ҳ.Турахужаев**

КУНТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг **2025 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар. 2026 йилда амалга ошириладиган асосий мақсад ва устувор вазифалар тўғрисида.**

Раислик этувчи Диёр Мирзаахмедов сўзга чиқиб, Бугунги ўтказиладиган Жамоатчилик йиғилиши кун тартиби билан таништириб сўзни Қўмита раиси **Х.Турахужаевга** сўз берди. Қўмита раиси томонидан Рақобат қўмитаси 2025 йилида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар тўғрисида ҳисобот тингланди.

Жумладан:

I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан 2025 йил давомида Қўмита томонидан жами **14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси** ишлаб чиқилди. Жумладан: 3 та — Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2 та — идоралараро қўшма қарор, 2 та — идоравий буйруқ, 3 та — Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, 2 та — Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва 2 та — Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари тайёрланди.

II. Қонун ҳужжатлари ва давлат органлари қарорларининг рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш бўйича.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан **loyiha.adliya.uz (project.gov.uz)** портали орқали Қўмитага келиб тушган **878 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси (ex-ante)** рақобат муҳитига таъсири юзасидан экспертизадан ўтказилди.

Натижада **125 та (48 фоиз)** лойиҳада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига зид нормалар мавжудлиги аниқланди.

III. Инсофсиз рақобат амалиётларига, тил бириктиришлар ва картель келишувларга қарши курашиш.

1. Инсофсиз рақобат масалалари бўйича.

Қўмита ва ҳудудий бошқармалар томонидан Инсофсиз рақобат масаласида жами **321 та** мурожаат кўриб чиқилган. Натижада, **64 та** мурожаатлар бўйича **66 та** ишлар қўзғатилган, шундан: **46 тасида** қонунбузилиши ҳолати эътироф этилган ва кўрсатма берилган; **19 тасида** ишни кўриб чиқиш тугатилган, **1 тасида** ишни кўриб чиқиш давом этмоқда. Шунингдек, **33 та** мурожаатлар бўйича иш қўзғатиш рад этилган, **210 та** мурожаатлар бўйича тушунтириш хатлари юборилган, **10 та** мурожаат бўйича апелляция тартибидаги шикоят аризаси қилинган, **4 та** мурожаатлар бўйича кўриб чиқиш давом этмоқда.

2. Тил бириктиришлар ва картель келишувлар бўйича.

Қўмита ва ҳудудий бошқармалар томонидан тил бириктиришлар ва картель келишувлар масаласида жами **43 та** мурожаатлар кўрилган. **Мазкур** мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари қуйидагича **36 та** мурожаатлар бўйича **104 та** ишлар қўзғатилган, шундан: **84 тасида** қонунбузилиши ҳолати эътироф этилган ва кўрсатма берилган, **15 тасида** ишни кўриб чиқиш тугатилган, **5 тасида** ишни кўриб чиқиш давом этмоқда, **4 та** мурожаат бўйича иш қўзғатиш рад этилган ва **3 та** мурожаатлар бўйича тушунтириш хатлари юборилган.

IV. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш соҳасида амалга оширилган ишлар

1. Истеъмолчилар мурожаатлари билан ишлаш бўйича.

2025 йил давомида истеъмолчилардан жами **53 670 та** мурожаат келиб тушди. Шундан: **31 446 таси (58 %)** — уй-жой коммунал ва транспорт хизматлари, **12 136 таси (23 %)** — савдо ва умумий овқатланиш; **8 588 таси (16 %)** — алоқа, молия ва ижтимоий хизматлар, **1 500 таси (3 %)** — реклама муносабатлари.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида: **46 662 та** мурожаат (**88 %**) ижобий ҳал этилди (шундан **74 %** қаноатлантирилган, **14 %** ҳуқуқий тушунтириш берилган), **7 %** бўйича тушунтириш берилди, **3 %** бўйича кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда ва **2 %** ваколатли органларга юборилди.

Натижада истеъмолчиларга етказилган **46 млрд сўм** миқдоридаги зарар қайта ҳисоб-китоб қилинди.

2. Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш бўйича.

Ҳисобот даврида чакана савдода **822 номдаги маҳсулот** бўйича назорат харидлари амалга оширилди (**“Сифат назорати” телекўрсатуви билан ҳамкорликда**). Экспертиза натижаларига кўра: **199** номдаги маҳсулот норматив-техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланди, **90** номдаги маҳсулот бўйича номувофиқлик ҳолатлари қайд этилди, **45 та** ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, сифатсиз маҳсулотларни сотишга чек қўйилди, **69 та** ҳолат бўйича камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқарувчи ва тегишли ташкилотларга хатлар юборилди ва **53 та** ҳолат бўйича чоралар кўриш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, марказий аппарат томонидан **14 турдаги маиший техника** бўйича назорат харидлари ўтказилиб, ваколатли органлар текширувлари натижасида улар белгиланган талабларга мос экани тасдиқланди.

Назорат харидлари натижасида сифатсиз деб топилган **5,2 млрд сўмлик маҳсулотларнинг** истеъмолчиларга сотилиши олди олинди ҳамда қайта ишлашга йўналтирилди.

3. Реклама фаолиятини тартибга солиш

2025 йил давомида рекламаларни жойлаштириш ва тарқатиш бўйича жами **34 882 та мониторинг** ўтказилди. Мониторинглар натижасида **16 880 та ҳолатда** камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича **384 та субъектга нисбатан 8,1 млрд сўм** миқдорида молиявий жарималар қўлланилди, шундан **2,8 млрд сўм** ундирилди.

Реклама эскизлари бўйича **10 327 та экспертиза** ўтказилиб, **1 094 таси** қонунчилик талабларига номувофиқ деб топилди.

Шунингдек, ташқи рекламаларнинг давлат тили қоидаларига мувофиқлиги бўйича **43 685 та мониторинг** ўтказилиб, шундан **12 232 та**

ҳолатда (28 Ғоиз) пешлавлҳа, реклама ва ахборот матнларининг давлат тили қоидаларига мос эмаслиги аниқланди.

Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори **Г.Бабаджанова** сўзга чиқиб, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муаммолар борлигини, онлайн савдоларда маҳсулотларнинг алмаштириб беришда тушунмовчиликлар юзага келаётгани ҳамда уларни тез ва самарали бартараф этиш учун истеъмолчиларни балки тадбиркор ва сотувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Кун тартибиде масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси **О.Усмонов** сўзга чиқиб, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2025 йил давомида товар ёки молия бозори таҳлил қилингани, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан project.gov.uz портали орқали Қўмитага келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (ex-ante) рақобат муҳитига таъсирини баҳолаш ҳолатларини, Товар-хом ашё биржаларини лицензиялаш ва харид тизимларни назорат қилиш йўналишида ишлар олиб борилганини, тартибга солинадиган нархлар ва тарифларни таҳлил ва назорат қилиш ҳамда табиий монополия субъектларини тартибга солиш, давлат харидларида рақобатни таъминлаш, инсофсиз рақобат амалиётларига, тил бириктиришлар ва картел келишувларга қарши курашиш, иқтисодий концентрация устидан назорат қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш, юридик соҳада амалга оширилган ишлар, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жамоатчилик билан алоқаларни ташкил этиш, халқаро ҳамкорлик ва Рақобат қўмитаси фаолиятини рақамлаштириш соҳаларида амалга оширилган ишлар борасидаги асосий кўрсаткичларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Жамоатчилик кенгаши иштирокчилари Қўмита 2025 йил иккинчи ярмида ҳам ўз олдига бир қатор амалга ошириладиган истиқболли режалар қўйганини бу режалар бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги **Қонунчиликни такомиллаштириш** (Рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш), **Монополияга қарши курашишни кучайтириш** (Монополияга қарши назоратни кучайтириш учун бозор мониторинги тизими такомиллаштириш, Монополияга қарши қонунбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларга қарши курашиш бўйича замонавий усуллар жорий этиш), **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** (Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, Истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнлари соддалаштириш ва уларнинг сифатли ҳал этилиши таъминлаш), **Рақобат**

муҳитини яхшилаш (Тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириш, Хусусий секторда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун қўшимча молиявий ва ҳуқуқий кафолатлар яратиш) борасидаги амалга ошириладиган истиқболли стратегик йўналишларда ишлар олиб бориш кераклиги, бу йўналишлар 2025 йил иккинчи ярмида Ўзбекистон бозорларида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этиши ҳамда мамлакат иқтисодий барқарорлигини ошириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш борасидаги масалалар кўриб чиқилди ва муҳокама этилди.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг
умумий йиғилиши қарор қилади:**

1. Қўмита раиси **Х.Турахужаев**нинг Қўмита томонидан 2025 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ҳисоботи **маълумот учун қабул қилинсин.**
2. Жамоатчилик кенгаши раиси **Д.Мирзаахмедов** ва **О.Усмонов** томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.
3. Жамоатчилик кенгаши аъзоси **Г.Бабаджанова** истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммолар ҳамда уларнинг самарали йечимлари ҳақида билдирган таклиф ва фикрлари инобатга олинсин.
4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан билдирилган фикрмулоҳазалар ҳамда таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.

Йиғилиш котиби,
Баёнлаштирувчи



С.Нормуродов